


Фарғонада “Энг маърифатли имом - 2018” танловининг вилоят босқичи ўтказилди




11:52 / 12.10.2018 3980

Маълумки, ҳар йили анъанавий тарзда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият кўрсатиб бораётган имом-хатиблар ўртасида “Йил имоми” кўрик танлови ўтказиб келинар эди. Жорий йилдан эса мазкур танлов **“Энг маърифатли имом”** номи остида янги Низом асосида ўтказиб келинмоқда.

Image not found or type unknown



Танловнинг мақсади - бугунги тараққиёт талабларига жавоб берадиган, кучли илмий салоҳиятга эга, ташаббускор, илғор фикрли, замонавий ахборот технологияларидан етарлича фойдалана оладиган ва кенг халқ оммасига ўз фикрини етказиб бера оладиган, иқтидорли, фаол имом-хатибларни аниқлашдир.



Уч босқичда ўтказилиши режалаштирилган танловнинг биринчи шаҳар-туман босқичида ғолибликни эгаллаган иштирокчилар 10 октябрь куни Қувасой шаҳридаги “Ислон” жомеъ масжидида вилоят босқичида иштирок этдилар.

Вилоят босқичини тантанали равишда очиб берган вилоят бош имом-хатиби Салимжон қори Қодиров:


- Бу йилги танлов ҳар йилгидан ўзгача тарзда ўтказилмоқда. Бу эса юртимизда диний-маърифий соҳага, хусусан, илм аҳлига кўрсатилаётган эътибор намунаси. Шунингдек, барча имом-хатиблар, имом-ноиблари, ҳатто муаззин ва қоровуллар ҳам ўз устида мунтазам иш олиб бориши керак дегани. Зеро бугунги

тадбирда ғолиблар қатори масжидларда жонкуярлик билан хизмат қилиб келаётган бир гуруҳ ходимлар ҳам тақдирланади, - дея барча иштирокчиларга омад ва муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудир Исломиддин Зухриддинов ҳам танлов кузатиб борар экан:

- Ҳақиқатан мазкур танловга Фарғона вилоятида катта тайёргарлик қўрилганини таъкидлади. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ҳар бир имом-хатиб ўз билим ва салоҳияти, дин ривожи ва халқ фаровонлиги йўлида олиб боражак хизматлари ила ана шундай эътибор ва эътирофга муносиб бўлмоққа интилиши керак”, - дея қайд этди.

Image not found or type unknown



Қуръон тиловати билан бошланган танловда иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилди ҳамда танлов сўнгида натижалар эълон қилинди:

“Энг маърифатли имом – 2018” танловининг Фарғона вилоят босқичи ғолиблари:

I-ўрин: Абдувоҳид Аҳмадалиев (Марғилон шаҳридаги “Худоёрхожи” масжиди имом-ноиб)

II-ўрин: Абдужаббор Мадраҳимов (Тошлоқ туманидаги “Абу Ҳанифа” масжиди имом-ноиб)

II-ўрин: Давронбек Усмонов (Фарғона тумани “Ҳувайдо” масжиди имом-хатиби)


III-ўрин: Жалолиддин Маматқулов (Учкўприк туман “Шоҳ муқаддам” масжиди имом-хатиби)

III-ўрин: Шерзод Аҳмедов (Данғара тумани “Муҳаммадсаййидхўжа” масжиди имом-хатиби)

Танлов якунида Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги томонидан барча ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Image not found or type unknown





Масжид ходимлари фаолиятини янада жонлантириш, ўз ишларига янада кўп меҳр билан ёндошиб, улар бажараётган иш самарадорлигини ошириш мақсадида танловга ҳамоҳанг равишда турли номинациялар бўйича мукофотлар топширилди:

“Энг кўп обуна уюштирган имом”

- *Аҳмедов Соҳибжон (Бағдод тумани бош имом-хатиби)*

“Энг кўп мақола нашр этган имом”

- *Жалилов Раҳматилло (Қўштепа тумани бош имом-хатиби)*

“Энг обод масжид”

- Қувасой шаҳар Аҳмадали бобо масжиди (масжид имом-хатиби Абдужамиллов Аслиддин)

"Энг тарғиботчи имом"

- Абдумажид домла Исақов (Қўқон шаҳар бош имом хатиби)

"Энг таъсирли ижодий иш"

- Раҳматулло Файзуллаев (Марғилон шаҳар "Робияҳожи она" масжиди имом-хатиби, "Марғилон алломалари" рукни остида чоп этилаётган адабиётлари учун)

"Энг хушовоз муаззин"

- Мираҳмедов Адаҳамжон (Олтиариқ туман "Шоҳ Толиб" масжиди муаззини)

"Энг ишбилармон мутавалли"

- Мамасаидхонов Салоҳиддин (Риштон тумани Хўжа илғор масжиди мутаваллиси)

"Энг миришкор боғбон"

- Аҳмадалиев Мансуржон (Бешариқ тумани Умар ибн Абдулазиз масжиди боғбони)

"Энг намунали таҳоратхона"

- Фарғона шаҳар "Тоййиба" масжиди таҳоратхонаси (масжид имом-хатиби Бахрамов Азизхон)

"Энг замонавий қоровулхона"

- Марғилон шаҳар «Ширмонпазлик» масжиди қоровулхонаси (масжид имом-хатиби Тошхўжаев Фазлуллоҳ)

"Энг бой кутубхона"

- Қўқон шаҳар "Шайхул-ислом" масжиди кутубхонаси (масжид имом-хатиби Фазлиддин Салимов)

Шунингдек, Ўзбекистон, Учкўприк, Данғара, Фурқат, Бувайда, Тошлоқ, Кува, Фарғона, Ёзёвон туманлари имом-хатиблари вилоят вакилликнинг

ташаккурномалари билан тақдирландилар.

Фарғона вилоят вакиллик матбуот хизмати